

Date: 29th May-2026

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ШАРОИТИДА ЁШ ГАНДБОЛЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Аббасов Бахадир Асатиллаевич

Тошкент Давлат иқтисодийёт университетининг катта ўқитувчиси



Мамлакатимизда охириги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурати мавжуд⁹.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда бу борада ҳам жуда кўп ишлар амалга оширилди. Соҳани бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилди. 2019-2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестларини ўтказиш тизими жорий этилди.

Беш ташаббус ҳамда турли давлат дастурлари доирасида спорт объектлари ишга туширилиб, ёшлар спортга фаол жалб этилмоқда. Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиби бўлган спортчилар туман ва шаҳарларга бириктирилди, айримларининг спорт мактаблари очилди.

Ҳозирги пайтда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидойий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қоидалар ҳаётга жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳукукий -меъёрий асоси яратилди.

“Таълим тўғрисидаги” ва “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги қонунлари узлуксиз таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизомини шакллантириш вазифасини кўяди.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. 2020 йил 24 январь/<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasida-zhismoniy-tarbiya-va-sportni-yanada-24-01-2020>.

Date: 29th May-2026



Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач спортни ривожлантириш соҳасида тубдан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз жисмоний тарбия ва спортнинг келажак авлодни соғлом қилиб тарбиялашдаги ўрнини ҳисобга олиб спорт ишларини янада такомиллаштириш, унинг замон талаблари даражасида ўқув ва моддий-техник базасини яратиш ҳамда аҳолининг спортга бўлган қизиқишини ошириш йўлида мақсадли давлат миқёсидаги тадбирлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳалар каби жисмоний тарбия ва спорт ҳам тамомила янгича мақом йўналишида шаклланиб, юксак чўққи сари қанот ёзмақда. Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида жисмоний тарбия ва спорт миллат генофондини шакллантириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш воситаси сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасидан жой олди.

Ҳамдўстлик давлатлари ичида мамлакатимизда биринчи бўлиб, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун (1992, 2000, 2015 йиллар) қабул қилинди, “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1997), “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги (2002), Гандбол, футбол, кураш, теннис ва бошқа спорт турларини ривожлантириш ҳақида Президент Фармонлари ва Ҳукумат Қарорлари қабул қилинди

Ушбу концептуал ҳужжатлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида улкан ислохотлар, беқиёс бунёдкорлик ишларини амалга ошириш имкониятини яратди. Сўнгги йиллар ичида юртимиз ҳудудларида, узоқ қишлоқ ва туманларда ҳам кўпдан кўп замонавий спорт иншоотлари барпо этилди ва айни кунда улар фарзандларимиз, халқимиз хизматида фаолият кўрсатиб келмоқда. Кундан кунга жисмоний тарбия ва спорт, жумладан миллий спорт турлари ва миллий ҳаракатли ўйинлар миллий қадриятлар сифатида халқимиз, айниқса ўқувчи-ёшларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжига айланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва оммавий спорт турларини ривожлантириш билан бир қаторда, “катта” спорт мавқеини кўтаришга ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Йилдан йилга Республикаимизда ҳалқаро ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларни ўтказиш анъанавий тадбирлар таркибидан жой олмоқда. Ўзбек спортчилари Осиё, Жаҳон ва Олимпия мусобақаларида юксак натижаларга эришиб, юртимиз шухратини жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этиб келмоқда.

Ушбу натижаларни мустаҳкамлаш ва уларни юксак даражага кўтариш мақсадида 2000-йиллардан бошлаб мамлакатимизда “кичик Олимпиада” мақомида ўтказилувчи “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” каби кўп босқичли оммавий спорт мусобақалари жорий этилди ва борган сари нуфузли мавқега эга бўлиб, истеъдодли спортчиларни ҳалқаро ва Олимпия мусобақаларига олиб чиқишда “кўприк” вазифасини ўтаб келмоқда. Бу борада барча устувор спорт

Date: 29th May-2026

турлари каби қайд этилган оммавий спорт мусобақалари ва Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган, ер куррасида энг оммавий деб танилган гандбол спорт турига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёш гандболчиларни гандбол билан шуғулланишида замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланган спорт иншоотларини куриш, жаҳон талабларига жавоб берадиган гандбол майдонлари ва спорт залларини кўпайтириш, энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш ва келгусида улардан юқори малакали гандболчилар тайёрлаш имконини берадиган иқтидорли спортчи ёшларни қидириб топиш ва тайёрлаш тизимини тобора такомиллаштириш кўзда тутилган.

1-жадвал

Замонавий гандболчи тайёргарлигига таъсир этувчи омиллар

Омиллар	Анъанавий ёндашув	Замонавий ёндашув
Машғулотларни режалаштириш	Мураббий тажрибасига асосланади	Рақамли таҳлил ва мониторинг асосида
Юкломани баҳолаш	Кузатиш орқали	GPS, сенсор ва биомеханик таҳлиллар
Техник тайёргарлик	Такрорий машқлар	Видеоаналитика ва AI технологиялари
Тактик тайёргарлик	Назарий машғулотлар	Симуляция ва рақамли моделлаштириш
Жисмоний тайёргарлик	Умумий дастурлар	Индивидуаллаштирилган дастурлар
Спортчи назорати	Даврий текширув	Реал вақт режимида мониторинг
Натижани прогнозлаш	Эксперт баҳоси	Катта маълумотлар (Big Data) таҳлили

Бугунги глобаллашув шароитида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси нафақат аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, балки мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, инсон капиталини шакллантириш ва ёш авлоднинг интеллектуал ҳамда жисмоний салоҳиятини юксалтиришнинг муҳим стратегик йўналишларидан бирига айланмоқда. Шу жиҳатдан, дунё мамлакатларида спорт инфратузилмасини ривожлантириш, оммавий спортни кенгайтириш ва ёшларни жисмоний фаолликка жалб этиш бўйича кенг кўламли дастурлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2024 йилда эълон қилинган янги маълумотларига кўра, дунё бўйича катта ёшдаги аҳолининг 31,3 фоизи, яъни тахминан 1,8 миллиард киши жисмоний фаолликнинг тавсия этилган меъёрларига амал қилмаяпти. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан қарийб 5 фоизга ошган бўлиб, жисмоний ҳаракатсизлик юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет, семириш ва бошқа сурункали хасталикларнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ЖССТ маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёдаги ўсмирларнинг 80 фоиздан ортиғи



Date: 29th May-2026

етарли даражада жисмоний фаол эмаслиги қайд этилган.

2-жадвал

Жаҳон ва Ўзбекистонда жисмоний тарбия ҳамда спорт соҳасининг сўнгги йиллардаги асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич	Й	Натижа
1	Дунё бўйича жисмоний фаоллик меъёрларига риоя қилмайдиган катталар сони	20	1,8 млрд нафар
2	Жисмоний фаоллиги етарли бўлмаган катта ёшли аҳоли улуши	20	31,3 %
3	Етарли даражада жисмоний фаол бўлмаган ўсмирлар улуши	20	80 % дан зиёд
4	Париж Олимпиадасида иштирок этган давлатлар сони	20	206 давлат
5	Ўзбекистон делегацияси аъзолари сони	20	90 нафардан ортиқ
6	Ўзбекистоннинг Олимпия ўйинларидаги умумий медаллари	20	13 та
7	Олимпия олтин медаллари сони	20	8 та
8	Олимпия кумуш медаллари сони	20	2 та
9	Олимпия бронза медаллари сони	20	3 та
10	Ўзбекистоннинг умумжамоа ҳисобидаги ўрни	20	13-ўрин
11	Марказий Осиё давлатлари орасидаги ўрни	20	1-ўрин
12	Бокс бўйича Олимпия чемпионликлари	20	5 та олтин медаль

Мазкур ҳолат жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришни давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватлаш зарурлигини янада кучайтирмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар халқаро тенденциялар билан уйғун равишда ташкил этилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда оммавий спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда, ҳудудларда юзлаб янги спорт иншоотлари, универсал спорт заллари ва замонавий майдонлар барпо этилмоқда. Спорт таълими тизимида рақамли технологиялар, спорт аналитикаси ва замонавий тиббий-назорат воситалари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ўзбекистон спортининг сўнгги йиллардаги энг йирик ютуқларидан бири 2024 йил Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида қайд этилди. Мазкур мусобақада мамлакатимиз спортчилари 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритиб, жами 13 та медаль

Date: 29th May-2026

билан умумжамоа ҳисобида 13-ўринни эгаллади. Бу мустақил Ўзбекистон тарихидаги энг юқори Олимпия натижаси бўлиб, мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи ўринни қайд этди. Айниқса, бокс бўйича 5 та олтин медаль қўлга киритилгани, дзюдо, таэквондо ва эркин кураш бўйича Олимпия чемпионлари етишиб чиққанлиги миллий спорт мактабининг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини яна бир бор намоён қилди.

Шу билан бирга, замонавий спорт тараққиётида рақамли технологиялар, сунъий интеллект, биомеханик таҳлил ва спортчиларнинг функционал ҳолатини баҳолашнинг инновацион усуллари муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро тажрибада машғулот жараёнларини рақамлаштириш, спортчиларнинг ҳаракат фаолиятини сенсорлар орқали кузатиш, маълумотлар таҳлили асосида индивидуал тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқиш кенг қўлланилмоқда. Бу эса юқори натижаларга эришиш билан бир қаторда спортчилар саломатлигини муҳофаза қилиш имконини ҳам бермоқда.

3-жадвал

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришнинг стратегик кўрсаткичлари

Йўналиш	2020 йил ҳолати	2025 йил ҳолати	Ўсиш суръати
Аҳолининг спорт билан мунтазам шуғулланиши	19-20 %	35-40 % атрофида	қарийб 2 баробар
Замонавий спорт иншоотлари сони	Базавий кўрсаткич	Минглаб янги объектлар	сезиларли ўсиш
Ёшларни оммавий спортга жалб қилиш	Давлат дастурлари бошланиш босқичи	"Беш ташаббус" доирасида кенг қамров	юқори ўсиш
Халқаро мусобақалардаги медаллар сони	Барқарор	Рекорд даража	юқори ўсиш
Олимпия рейтингдаги ўрин	32-ўрин (Токио-2020)	13-ўрин (Париж-2024)	+19 поғона

Айниқса, гандбол каби жамоавий спорт турларида тезкор қарор қабул қилиш, техник-тактик ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш ва жамоавий ҳамкорликни шакллантиришда инновацион ёндашувлар муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ёш гандболчиларни тайёрлаш тизимида замонавий педагогик технологиялар, рақамли таҳлил воситалари ҳамда илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, халқаро стандартлар асосида яратилаётган спорт инфратузилмаси, ёшларни оммавий спортга жалб қилиш бўйича қабул қилинаётган дастурлар ҳамда спортчиларнинг жаҳон аренасида қўлга киритаётган юқори натижалари Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги халқаро нуфузини



Date: 29th May-2026

янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда гандбол спортини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни саралаш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш келгусидаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-394-сон. Тошкент, 2015 йил 4 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-637-сон. Тошкент, 2020 йил 23 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. ПФ-60-сон. Тошкент, 2022 йил 28 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сон (2023 йил 11 сентябрь) - “Ўзбекистон - 2030” стратегияси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат томонидан бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. ПФ-5368-сон. Тошкент, 2018 йил 5 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. ПФ-6099-сон. Тошкент, 2020 йил 30 октябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2021 йил 19 январь, 31-сон.

